

Qishloq hayoti

Qishloq haёti

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.kishlokhayoti.uz

1974 yil 1 yanvardan
chiqa boshlagan

**Ўзбекистон
1991-2007
йилларда**

Ҳозирги кунда юртимизда таълим соҳасига йўналтирилаётган харажатлар ҳажми мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти таркибида 12 фоиздан ортади. Ҳолбуки, жаҳон тажрибасида бу кўрсаткич 3-5 фоиздан ошмайди.



- Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг расмий нашри — "Алоқинформ" журналининг биринчи сони босмадан чиқди.
- Кутлуг Ёшни катта шодидналар билан кутиб олган Марғилон шаҳрида "Orshah Textile" корхонаси иш бошлади.
- "Ўзбекистон почтаси" очик акциядорлик жамияти Марғилон шаҳрининг 2000 йиллигига бағишланган янги почта маркасини тайёрлади.
- Самарқанд вилояти Булунгур туманидаги Мехтар қишлоғида кўркэм «Ешлар маркази» ҳамда аҳолига маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари қад ростлади.
- Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат муסיқали драма театри жамоаси янги мавсумни яқинда сахналаштирилган "Алпомиш" достони билан бошлади.
- Қорақалпоғистон Республикаси Қўнғирот туманида замонавий тиббиёт коллежи фойдаланишга топширилди.
- Самарқанд шаҳрида «Ижтимоий химоя йили» Давлат дастури доирасида навбатдаги бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди.
- Бухоро вилояти Шофирқон туманидаги Саврак қишлоғида 12-мактаб биноси фойдаланишга топширилди.
- Қарши шаҳрида 3-Меҳрибонлик уйининг янги биноси фойдаланишга топширилди.
- Нукус тумани ўрмон хўжалиғида табиий тўқайзорларни кўпайтириш, ўрмон хўжалигини ривожлантириш Оролбўйи иқлим шароитини яхшилаш мавзусида кўргазмали семинар-кенгаш бўлиб ўтди.



Бухоро вилоятидаги 47-сон хўжалиқлараро кўчма механизациялашган жамланма масъулияти чекланган жамияти жамоаси Мустақиллигимизнинг 16 йиллигини муносиб меҳнат натижалари билан кутиб олди. Шофирқондаги саноат ва миллий хунармандчилик, Бухоро туманидаги Иқтисодий коллежи сингари бинолар шу жамоа меҳнати маҳсулидир.

— Мамлакатимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларига ўз ҳиссамизни қўшаётганимиздан фахрланамиз, — дейди корхона қурилиш бригадаси бошлиғи Фахриддин Ёдгоров.

СУРАТЛАРДА: бригада бошлиғи Ф.Ёдгоров ва иш юритувчи Ш.Норов; Пешку тиббиёт коллежи биноси.

Ҳамроз АЛИ олган суратлар.

Самимий қутловлар

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти
Ислом Каримов Жаноби
Олийлариға**

Миллий байрамингиз нишонлиниши муносабати билан, мен улкан мамнуният ила Сиз, Жаноби Олийлариға ўзининг қутловларини ва истиқболда Ўзбекистон ҳукумати ва халқига бахт-саодат ҳамда равақ тилаб билдирган энг эзгу истақларини йўллайман.

Елизавета II,
Бууюк Британия Киоличаси

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти
Ислом Каримов Жаноби
Олийлариға**

Жаноби Олийлари,
Ўзбекистоннинг Миллий кун муносабати билан Ҳиндистон ҳукумати ва шахсан ўз номидан қутловлар йўллаш менга катта мамнуният бахш этади.

Ҳинд ва ўзбек халқлари ўртасида қадимдан мустақам алоқалар ва яқин муносабатлар қарор топган. Бу йил 2750 йиллиги кенг нишонланаётган Самарқанд шаҳри халқларимизнинг ҳамкорлиғига кўп бор гувоҳ бўлган. Сўнги ўн беш йил ичида мамлакатларимиз ўртасида икки томонлама муносабатларни янада кенгайтириш ва чуқурлаш-

тиришинг мустақам асоси яратилди. Мен ушбу йўналишда Сиз билан ҳамкорликни давом эттиришдан умидворман.

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистоннинг дўст халқига бардавом муваффақият, равақ ва омонлик тилайман.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган гоат юксак эҳтиромини қабул қилгайсиз.

Манмохан СИНГХ,
Ҳиндистон Республикаси Бош вазири

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти
Ислом Каримов Жаноби
Олийлариға**

Жаноби Олийлари,
Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги кун муносабати билан самимий қутловларим ҳамда мамлакатингиз ва халқингизга бардавом равақ тилаб билдирган эзгу истақларини йўллашдан мамнунман.

Ишончим комилки, мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги дўстона муносабатлар келгусида ҳам равақ топиб, мустақамлашиб бораверлади.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган гоат юксак эҳтиромини лутфан қабул қилгайсиз.

Эхтиром ила,
Валдис ЗАТЛЕРС,
Латвия Республикаси Президенти

Шунингдек, мамлакатимиз Президенти номига Марокаш Подшоҳи Муҳаммад VI, Жанубий Африка Республикаси Президенти Табо Мбеки томонидан ҳам қутлов мактублари келди.

Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли

"Ўзбекистон" нашриёти Президент Ислом Каримовнинг "Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли" номли китобини чоп этди. Китобдан давлатимиз раҳбарининг шу йил 30 август кунини бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг мамлакатимиз Истиқлолининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маърузаси ўрин олган.

Ушбу маърузада мустақиллик йилларида иқтисодий-сиёсий ҳаётимизда амалга оширилган улкан ўзгаришлар, халқимизнинг фидокорона меҳнати билан эришилган катта ютуқ ва натижалар, уларнинг моқияти ва аҳамияти, бугунги кунда ҳаётнинг ўзи олдинга қўйётган муҳим ва долзарб вазифалар ҳақида ҳар томонлама чуқур ва апрофича фикр юритилиб, Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли ҳар бири тарихимизда ўзинга хос ва ўзинга мос ўрин тутадиган алоҳида икки даврга ажратиб, таҳлил этилган.

Авалло, ўтиш даври ва миллий давлатчилик асосларини шакллантириш билан боғлиқ биринчи галдаги ислохот ва ўзгаришларни ўзини олган дастлабки босқич — 1991-2000 йиллар мамлакатимиз ва халқимиз ҳаётида улкан из қолдирган, том маноздаги тарихий аҳамиятга эга бўлган давр бўлгани алоҳида таъкидланади. Китобда бу даврнинг бутун мураккаблиги ва зиддиятлари, янги жамият асосларини шакллантиришдаги бекёйс аҳамияти кенг ва батафсил очиб берилди.

Шу билан бирга, мустақил тараққиётимизнинг 2001 йилдан 2007 йилгача бўлган мuddатни ўз ичига олган иккинчи босқичи — фалд демократик янгилашни ва мамлакатни модернизация қилиш даври иқтисодий-иқтисодий барқарор ривожлантириш, сиёсий ҳаётимизни, қонунчилик, суд-ҳуқуқ тизими ва иқтисодий-гуманитар соҳаларни изчил ислох қилишни таъмин-

лашда гоат муҳим роль ўйнаган давр бўлгани ҳам китобда ўзининг чуқур иботини топган.

Президентимиз ўз китобида бугунги кунда мамлакатимиз олдида турган долзарб вазифалар ҳақида тўхта-лар экан, Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида муносабат ўрин эгаллаш, ўз халқининг тинчлиги ва фаровонлигини таъминлашга интилаётган бошқа давлатлар қатори ҳозирги шиддат билан ўзгариб бораётган мураккаб давр ўртага қўйётган талаб ва саволларга тўлиқ жавоб берадиган, аниқ ва равшан, ҳар томонлама пухта ўйланган стратегия ва ҳаракат дастурига эга бўлиши зарурлигига алоҳида эътибор қаратади.

"Фақат ана шундай сиёсатчи ва олдинкига қўйган узок мuddатли мақсад — мuddаоларимиз — Ўзбекистонимизнинг дунёдаги ривожланган мамлакатлар сафидан ўрин олишига эришилган борасида зарур шарт-шароит ва мустақам қўрғовор бўлиб хизмат қилиши мумкин", деб таъкидлайди Юртбошьяқ.

Маъжур китобда баён этилган тевар фикр ва ҳулосалар барча юртдошларимизни 16 йиллик тараққиёт йўлига яна бир бор назар ташлашга даъват этади. Она юртимизда яшавётган ҳар қайси инсон, миллати ва тилидан, қарвда, қандай вазифада ишлашдан қатъи назар истиқлол йилларида қўлга киритилган ютуқларимиздан қўнгли тоғдай кўтарилиши, шу ишларда менинг ҳам муносиб ҳиссам бор, деб қувониб, фахр-ифтихор билан яшаши табиий, албатта.

(ЎзА)

Мўйноқда ҳаёт қизгин

Мўйноқ туманидаги Учсой қишлоғи аҳолиси Мустақиллик байрамига муносиб тухфа қабул қилиб олишди

Учсойга тоза ичимлик суви келди

Энди бу қишлоқнинг 1,5 минг нафар аҳолиси тоза ичимлик сувидан баҳраманд бўлишди.

Ушбу сув қувурининг қурилиши "Экосан" халқаро ташкилоти, "Ўзбекнефтегаз" миллий ҳолдинг компаниясининг "Ўзтрансгаз" компанияси ва Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фонди томонидан молиялаштирилди. 45 миллион сўм маблағни талаб этган қурилиш асосида Мўйноқ шаҳридан Учсой қишлоғигача бўлган 5 километрлик масофага сув қувурлари ётқизилди.

Шунингдек, сув қувурини фойдаланишга топшириш маросимида "Экосан" халқаро ташкилоти томонидан Мўйноқда истиқомат қилувчи аҳолига, туман ижтимоий соҳа объектлари — марказий касалхона, кам таъминланган оилаларга 10 миллион сўмдан ортик мурувват ёрдами кўрсатилди.

Ш.САНАЕВ

Қорақалпоғистон Республикаси.

Тола йўли Терминалдан бошланади

Буни нуфузли пахта ярмаркаси иштирокчилари сони йилдан-йилга ортаётганлигидан ҳам билиш мумкин

Жорий йилнинг 17-19 сентябрь кунлари Тошкентда III Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси бўлади, унда дунёнинг қирққа яқин мамлакатидан вакиллар иштирок этади

— Ўтган йили республика телевидениесига интервью берган покистонликми, бангладешликми, бир иштирокчи: "Нонини ҳалоллаб ейишда Ўзбекистон пахтакорлари таърифига сўз топа олмайман, бу таъриф улар етиштирган тола сифатида яққол кўриниб турибди", деганда пахтакор сифатида гурурга тўлган эдим, — дейди биз билан суҳбатда Пахтакор туманидаги "Анвар-А" фермер хўжалиғи раҳбари Анорбой Эшматов.

Холис меҳмоннинг бундай ҳалол баҳоси нафақат юртимиз пахтакорлари, балки ҳар бир фуқароси калбини фахру гурурга фарқ қилса керак, дейди суҳбатдошим яна.

Дарҳақиқат, меҳнатқаш ва захматқаш пахтакорларимиз етишти-раётган пахта ўзининг толадорли-

ги, юқори сифати билан жаҳон саноатчилари эътиборини тортмоқда. Буни ушбу нуфузли ярмарка иштирокчиларининг тобора кўпаяётгани ҳам кўрсатиб турибди.

Маълумки, тола экспорти республикадаги ҳудудий пахта терминаллари орқали амалга оширила-

ди. Шундай терминаллардан бири "Пахтакор тола базаси" терминалидир. Маъжур терминал республика Вазирлар Маҳкамасининг "Ишлаб чиқариладиган ва жўнатиладиган пахта толаси учун ҳисоб-китоблар тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори асосида ташкил этилиб, 2003 йилнинг кузидан бошлаб Жиззах вилояти пахта тозалаш корхоналарида ишлаб чиқарилган толаларни қабул қилиш, сақлаш ва жўнатиш билан шуғулланиб келади.

Шуни айтиш ўринлики, ўша йили терминал жамоаси Пахтакор пахта тозалаш корхонасининг атиги 2 минг тонна тола сақлашга мўлжалланган бостирмасини ижа-



Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2007 йил 11 сентябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, бошқона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:

1 Австралия доллари	1049,07
1 Англия фунт стерлинги	2569,19
1 Дания кронаси	233,12
1 БАА дирҳами	346,72
1 АҚШ доллари	1273,45
1 Микр фанти	225,65
1 Исландия кронаси	19,83
1 Канада доллари	1210,39
1 Ҳотий юани	168,79
1 Малайзия рингити	363,58
1 Поляша злотийски	454,74
1 СДР	1950,84
1 Туркия лираси	981,99
1 Швейцария франки	1055,40
1 ЕВРО	1735,84
10 Жанубий Корея воени	13,58
10 Япония иенаси	110,13
1 Россия рубли	49,68
1 Украина гривнаси	252,17

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маъжур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олган.

рага олиб, иш бошлаган эди. Ўтган вақт давомида эса улар жуда катта кўламдаги қурилиш ишларини ба-жардилар. Умумий сифими 12 минг метр квадрат бўлган 11 та бостирма қурилди. Бу — 10 минг тонна тола сақланадиган омборхона демакдир. Бунга қўшимча кейинги уч йил давомида Жиззах шаҳрида 12 минг тонна тола сақлашга мўлжалланган янги мажмуа барпо этилди.

Кўришиб турибдики, терминал қад ростламоқда. У қад ростлаган сайин вилоятнинг экспорт салоҳияти кўпроқ улуш қўшмоқда.

Энг қувончлиси шуки, йилдан-йилга пахтаимиз сифати, пахтакорларимиз қадри ошмоқда. Буни "Юртбошимизнинг толаимизни ўз юртимизда сотадиган ўз ярмаркаимизни ташкил этишлари ҳам кўрсатиб турибди.

Келдиёр ЖўРАҚУЛОВ,
"Қишлоқ ҳаёти" муҳбири.
Жиззах вилояти.

* Оталар эътироби
* 7 хонадон ўрнида 1535 оила
* "Тоштемир" ва "Экифо"нинг махсулотлари
* Шаҳардан қолишмайдиған қишлоқ

Маҳалла гузариди чордона қуриб ўтирган 4-5 нафар нуронийларнинг сўхбат мавзуси Алакўйлак қишлоғи ўлмишига қаратилган.

Истиқлолдан нур олаган

Тўғри, - дея унинг сўзларига қўшилиди тенгқури Муҳиддин бобо, - нима бўлганда ҳам палағимизнинг илдизи бақувват. Икки юз йил аввал шу жойда 7 та хонадон истиқомат қилганини кўпни кўрганлар гагиришарди. Ҳозир ҳам айрим жойларда ўша манзарани эслатуви қамишзорлар сақланиб қолган, - дея фикрини изоҳлади етмиш беш ёшли отақон Ҳазрат бобо.

Оқсоқоллар ер чизишди. Ўйлаб қарашса, ичимлик суви, табиий газ келтирилганига ўн йилдан ошибди. Мавжуд 8 та кўчалар ҳам шу даврда асфальтланган экан. Соғлиқларини тиклаш борасида ҳам энди айтса-айттулик: ҳар бири кейинги йилларда 2-3 мартадан энг сўлим санаторийда мириқиб дам олишган.

Яратганга шукр, қариган чоғимизда ота-боболаримиз кўрмаганларини кўряптик. Айтганча, йил тадоригига ҳозирла-ниш эсдан қичиб қолмасан-а, эртага Шомурдобойнинг ишбилармон ўғли ўз ҳисобидан Самарқанд ва Бухорога зиёратга олиб бормоқчи... - деб даврабоси Нуриддин бобо ўтирган ўрнидан кўзгалди.



Асаларчилик етти ҳазинанинг бири, дейишади. Буни Фурқат ака ўз тажрибасида си-наб кўрди. Бир неча йилдири, шу касб билан шуғулланади. Даромади чакки эмас. Тахрибаси ошган сайн фойда ҳам шунга лойиқ бўляпти. Унинг максоди аниқ тахрибасини асаларчиликни янада ривожлантиришга қаратган. СУРАТДА: Фурқат Сатторов иш жараёнида.

Муродулла КОМИЛОВ олган сурат.

Сурхондарё вилояти

Муносиб тақдирланганлар

"Лочин"нинг парвози

Мустақиллигимизнинг 16 йиллиги муносибати билан мукофотланганлар орасида Арнасой туманидаги "Лочин" фермер хўжалиги раҳбари, Республикада хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими Рустам Утабоев ҳам бор. У Президентимизнинг Фармони билан "Меҳнат шурати" ордени билан тақдирланди. Бу инсонни анча йиллардан бери яхши танийман. "Ташаббус - 99" Республика босқичида иштирок этганида ҳакамлар фермер хўжалиги чўл шариоатида етиштирган мева-чева, сабзавот ва полиз махсулотлари ҳамда галла бошоғига қойил қолганини хали-хали эслайман.



Уша сафар совриндор бўлиб қайтди. Шу-шу кўп бор ўрашиб турамыз. Камтар, фидойи инсон. "Арнасой - Зафаробод" йўлининг Бобо Файзиёв номли суядан фойдаланувчилар уош-

етарлича маблаг сарфлади. Фермер хўжалиги ташкил топгандан буён ернинг балл бонитети 38 дан 61 га кўтарилди. Пахта хоҳилдорлиги 41 центнерга, галла эса 60 центнерга етказилди.

Сўнгги уч йилда пахта ва галладан 172 миллион сўм соф фойда кўрди. Даромад эвазига 6 та янги чопик трактори, "МХ-140" русумли хайдов трактори, "Класс" русумли галла ўрмиш қомбайни сотиб олди. 2 та "Нексиа" ва "Тико" енгил машиналари бор.

"Лочин" фермер хўжалигида 32 нафар киши меҳнат қилишади. Уларнинг турмуш фаровонлиги йил сайн ўсиб бораётти. Ойма-ой иш хақи, йиллик мукофот пули, бугдой, сабзавот, полиз, гўшт ва суг махсулотлари, кўйилки, рўзгор дастурхонига керакли барча нарсалар бадастир.

Жамоанинг бу йилги ютуқлари янада салмоқли бўлаётти. 152 гектар галлазордан 55 центнердан ошириб ҳосил олишди. Давлатга 371 тонна уруғлик бугдой сотилди. 90 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил мўлжаллаб туришибди. Пахта ҳам уруғликка шартнома қилинган. Яхшигина даромад қўтиляпти.

Рустам Утабоев нафақат туман, вилоят, балки республикадаги бақувват фермерлардан. Қишлоқ мулкдори топганини элдошлари билан баҳам кўрмоқда. 6 та кам таъминланган оилани оталияга олган. 5 та кам таъминланган оилага сизир олиб берди. Туман марказий шифонасини таъмирлашга 5,5 миллион сўм, болалар спортини ривожлантириш жамғармасига 3 миллион сўм ва бошқа тадбирлар учун 2 миллион сўм ажратди.

Рустам ака ва унинг турмуш ўртоғи Юлдуз опа беш фарзанди тарбиялаб, вояга етказишмоқда. Қизи Сайёра турмушга чиққан. Ўғли Исқандар талаба. Фермер хўжалигига ном қўйилган Лочин ота касбини танади. Далада меҳнат қилаяпти. Қолган фарзандлари мактабда ўқишмоқда.

— Юқсак мукофот берилга менга эмас, жамоамиз, қолаверса, туман ва вилоятдаги фермерларига берилган, - дейди Рустам Утабоев. — У бизни рағбатлантириб, зиммамиздаги масъулиятни янада оширди.

Бўрибой НОРКУЛОВ

СУРАТДА: "Чўл лочини" фермер хўжалиги раҳбари Рустам Утабоев умр йўлдоши Юлдуз опа ва кенжа фарзанди билан.

Жиззах вилояти

бўгунги кунимиздан фахрлиниб гагиришларча бор. Истиқлол бериш имкон туфайли юртимизнинг бошқа жойлари қатори бу ерда ҳам қишлоқ инфратузилмаси кун сайн шаклланапти. Жумладан, мавжуд ширкат хўжалиги тугатилиб, экин майдонлари фермерлар иктирибга ўтгандан сўнг дала меҳнатидан бўлаб қолганларга янги иш ўринлари яратишга эътибор кучайтирилди. Ташландиқ ҳолдаги идора биноси хашар йўли билан таъмирланиб, бир қисми замонавий врачлик пунктига, ярми эса тикиш-

Алакўйлак

Хонадонларда хотин-қизларнинг бекор туриб қолмаслиги ва уларни фойдали меҳнатга йўналтириш масаласи, айниқса, анча-мунча муаммоларни келтириб чиқараётганди. Хўжалигимизнинг уй шариоатида касаначиликни ривожлантиришга йўрилган қарори бу борадаги нуқсонларни бартараф этишга, узи-кесил чек кўйди: соҳанинг мутасадди ташкилотлари билан истиқболли шартномалар тузилиб, ҳар бир хонадонга миллий хўнарамчилик, қашта ва зардўзлик ҳамда кулолчилик махсулотлари тайёрланапти.

Шунингдек, бу соҳада Шифоат Равшанова, Насиба Саидова сингари тадбиркор аёлларнинг олиб бораётган саъй-ҳаракатлари, айниқса, таҳсинга лойиқдир.

Ижтимоий ҳимоя

Улар ўз маблаглари ҳисобидан хонадонларида миллий хўнарамчилик шаклини очиб, ҳар бири 25 нафардан ёшларни фойдали меҳнатга жалб қилган. Ободлаштириш ва ижтимоий масалаларни янада изчил хал этишининг ўзи бўлмапти. Боз устига, ҳозирги бозор иқтисоди шариоатида бировдан бир сўм умид қилиш қийин. Лекин изласа, имкон топилақан. Аҳиллик ва ҳамжихатлик

ло Исмоилов. - Ҳозирги бозор иқтисоди шариоатида бировдан бир сўм умид қилиш қийин. Лекин изласа, имкон топилақан. Аҳиллик ва ҳамжихатлик

Тасарруфда ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар, болаликдан ногиронлар кўп. Давлат томонидан берилаётган маблаг кўз тикиб турмасдан ўз имкониятларимиздан фойдаланиш режаларини тузиб олганмиз. Шу маънода яқинда туман ҳокимлигига маҳалла учун ер ажратишларини сўраб музокара этдик. Қузақда сувли майдондан 5 гектар ажратилдиғани бўлди. Қишлоқ хўжалиги махсулотлари етиштириб, даромаднинг бир қисмини ободлаштиришга йўналтирсак, қолгани муҳтожларга сарфланади. Бундан ташқари, ташландиқ ҳолдаги майдонни тартибга келтириб, истироҳат боғига айлантиришимиз.

Оқсоқолнинг айтганича бор. Айни пайтда бу жойда бўлган қиши, қишлоқ гарчи туман марказидан анча узоқда жойлашганлигига қарамай, шаҳардан қолшмаслигига ишончи турсан гап. Шунингдек, замирида, аввало, меҳнат ва ҳамжихатлик борлиги, иқтисодий ислохотлар қўяётган талаблар амалиётга анқур сингир бораётганини ачулаши шубҳасиз.

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ, "Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

Қашқадарё вилояти

Ер майдонлари қайтариб олинди

Тахриратимизга пойтахт вилоятининг Паркент тумани Мустақиллик кўчаси, 18-уйда яшовчи Аҳмад Махмудовдан шикоят-ариза келган эди. Унда собиқ "Гулбоғ" ширкат хўжалиги ҳукумат қарорига асосан фермер хўжаликларига айлантирилиши муносабати билан экин майдонлари ва боғлар тендер ёки ким ошди савдосига қўйилмасдан айрим мутасаддиларнинг масъулиятсизлиги оқибатида "Гулбоғ Паркент агро" агрофирмасига 2821,6 гектар, фуқаро Е.Эржақовга 100 гектар яйлов ноқонуний бериб юборилгани таъкидланган.

Бунинг натижасида бир неча йиллардан буён мавжуд боғларда ижара усулида меҳнат қилиб, давлатга махсулот сотиш режасини удаллаб келганлар ва кўпала меҳнат ахли ишсиз қолганлиги ҳам алоҳида қайд этилган.

Ушбу шикоят-ариза текширилиб, тегишли чора-тадбирлар кўрилиши учун Республика прокуратурасига жўнатилганди. Яқинда Паркент тумани прокуратурасидан куйидаги мазмунда жавоб хати олинди.

"Туман прокуратураси мутасаддилари А.Махмудовнинг "Қишлоқ ҳаёти" газетасига ёзган аризасини ўрганиб чиқди. Аризада туман ҳокимининг 2006 йил 15 ап-

релдаги 309-қарори билан "Гулбоғ Паркент агро" агрофирмасига 2821,6 гектар, фуқаро Е.Эржақовга 100 га яйлов ва ўрмонзорлар ноқонуний берилгани, шунингдек, ҳокимнинг 2007 йил 9 апрелдаги 121-сонли қарори билан танлов ўтказилмасдан 950 гектар ер майдони 9 та фермер хўжалигига вақтинчалик фойдаланиб туриш учун бериб юборилгани тўғрисидаги эътирофлар амалдаги қонунлар доирасида таҳлил этилди.

Аниқланишича, туман ҳокимининг 309-сонли қарорига қўра, захира ерлардан 30 йил муддатга "Гулбоғ Паркент агро" агрофирмасига 2821,6 гектар ер бирикитриб берилган бўлган. Ҳокимнинг шу йил 16 июлдаги 505-сонли қарори билан фуқаро Е.Эржақовдан 100 гектар ҳамда "Гулбоғ Паркент агро" агрофирмасидан 2821,6 га ер майдонлари қайтарилиб, захирага олинган.

Шунингдек, туман ҳокимининг шу йил 9 апрелдаги хати билан 9 та фермер хўжаликларига "Оқсоқ ота" ҳудудидан 950 гектар ер чорва молларини вақтинчалик боқиб туриш учун 2007 йилнинг 15 май кунига қадар берилган бўлиб, муддат тугаши билан чорва моллари бошқа яйловларга олиб кетилган.

Н.ОЧИЛОВ, Тошкент вилояти Паркент тумани прокурори, адлия маслаҳатчиси.

Сирдарёда қовун айли

Гулистон шаҳрида ҳар йили қовун сайли ўтказиш анъанаси айланган. Сайил иштирокчилари хилма-хил қовунлардан баҳраманд бўлишади, дам олишади. Бу йилги қовун сайли ҳам ҳақиқий байрамга айланиб кетди. Деҳқонлар ўзлари етиштирган турли на-вдаги қовунларни намойиш этишди. Сайилда ўз махсулотини намойиш этган 78 ёшли Худойберди ҳожи Шербеков билан суҳбатлашдик.



"Қовун сайли"да қовун мавзусида аския қилишди.

— Бу ерда 6 хил навадаги қовунларни олиб келдик, - дейди Худойберди ота. — Қовун дастурхонимиз кўрди, инсонга ҳам фойдали, ширинлигини айтмайсизми, тўртта шоқоладдан бир тилим қовун афзал. Бир гектар ердан 3,5-4 миллион сўмгача даромад олиш мумкин. Мана, "Амири", "Асаги" нави қовунларни эшитганимиз, асал қанд дейсиз.

Мирзаев тумани деҳқонлари сайлига 18 хил навадаги қовунлар олиб келишди. Очгини айтганда, кўпни бозорда кўрмаганмиз. Улар "Амири", "Андиқон", "Оби новот", "Босволди", "Гулоби", "Гуврак", "Донёв", Журақанд, "Зарқоқил", "Қўлча", "Кампирчолон", "Обиновот", "Оқкур", "Сарипчўк", "Сарик қирма", "Қора қирма" ва бошқалар.

Музабоблик тадбиркор Раъно Абдуллаева қовундан тайёрланган махсулотларини намойиш этди. Қовун мармелади мураббоси, шинниси, шарбати, қовун уруғидан тайёрланган мой.



Лаззатли қовун ва унинг соҳиби - деҳқон билан эсдаликка суратга тушган япониялик хонимнинг ҳеҳриси гўлгун.

Сайилда биз польшалик рассомлар гуруҳи ва япониялик мутахассис Михо Обета билан учрашдик.

— Сирдарёнинг қовунлари ниҳоятда ширин, менга ёқади, - деди Михо Обетта ўзбек тилида. — Ўн ойдан бери шу ерда яшайман, ёшларга япон тилидан дарс бераман. Менга сизларнинг меҳмондўст халқингиз жуда маъқул тушди. Японияда ҳам қовун бор, лекин бу ерники бошқача.

Тадбирда вилоят "Маҳалла" жамғармаси раиси Шовқиддин Мирзаев бошчилигидаги комиссия томонидан бободехқонларнинг қовунлари хилма-хиллиги, ширинлиги, тайёргарлиги кўриб чиқилди ва муносиб баҳоланди.

"Турдибек Эшқўзи" фермер хўжалиги раиси Турдибек Бойқўзиёв, Бобўв туманидан Барат Эргашев, Абдумажит Хайдаров, Ховос туманидан Мамарани Душаев меҳнати алоҳида эътироф этилди.

Қовун сайлида ўз махсулотлари билан иштирок этган деҳқонларга қимматбаҳо совғалар топширилди.

Энг олий ўрин ва телевизор соврини Сардоба тумани қовунчиликка, биринчи ўрин Мирзаевоб, Сайхунобод, Гулистон туманларига, 2-ўрин Оқолтин, Бобўв, Сирдарё туманларига берилди. Байрам тадбирида вилоят ҳокими А.Жалолов қатнашиб, иштирокчиларни қутлади.

Шомурод ХОЛМУРОДОВ, "Қишлоқ ҳаёти" мухбири, Фурқат ТОШМАТОВ олган суратлар.

Сирдарё вилояти.

"Феликс"нинг қилмиши

"Феликс" тўфонидан қатта азият чеккан Никарагуа давлатига инсонпарварлик ёрдами зарур.



Бу ҳақда БМТнинг Буэнос-Айрес озиқ-овқат дастури вакиллари маълум қилмоқда. Ташкилот айнаи дамда Никарагуага минг тоннага яқин дорин-дармон ва озиқ-овқат еткази олиши мумкин. Яна зарур 10 минг тонна инсонпарварлик ёрдами амалга оширилиши жаҳон ҳамжамиятидан сўралмоқда. Шунингдек, табиий офатдан жабр кўрган ҳудудлар учун 45 миллион АҚШ доллар зарур эканлиги айтилмоқда.

Никарагуанинг мухтор реҒиони Шимолӣ Атлантика тўфон оқибатида даярили ювлиб кетган. Бу ҳудудда қутқаруш ишлари олиб боришинг умуман илоҳи бўлмапти. Табиий офат туфайли 150 нафар одам ҳалок бўлган. 200 га яқин киши бедарак кетган, деб ҳисобланмоқда.

Кўлдаги махлуқми ёки...

Хитой телеканалларида оператор Чжоу Юншен томонидан суратга олинган видеолаҳзанинг намойиш этилиши мамлакатда шов-шувларга сабаб бўлди.

20 дақиқалик лаҳзада Хитойнинг Тяньчи қўлида сузиб кетаватган 6 та улкан номаълум жонзотлар акс эттирилган эди. Мутахассислар видеотаъсирларни текширувдан ўтказиб, унинг қалбаки эамслигини исботлашган. The China Daily газетасида ёзилишича, номаълум жониворлар халигача тўлиқ ўрганилмаган Лох Несс қўлининг динозаврсифат махлуқларига ўхшаққан.

400 метрдан чўқурроқ бу кўлда яшовчи улкан махлуқлар тўғрисида Хитой афсоналарида ёзиб қолдирилган. Айрим мутахассислар лаҳзадаги объектиларнинг тириж мавжудот эканлигини инкор этишмоқда. Уларнинг фикрича, кўлнинг ўта совуқ сувиди бундай улкан мавжудотлар яшай олмайд.

ҲАЗОИРДАГИ ХУНРЕЗЛИК

Ҳазоирнинг Батна ва Деллис шаҳрида амалга оширилган кўпурвчиликни "Ал-Қоид" террорчилари ўз зиммасига олмақда.

Утган ҳафта охирида Батна шаҳрида президент Абдулазиз Бутефликнинг ташрифини қутиб турган оломон орасида террорчи-Камикадзе ўзини портлатиб юборди. Оқибатда, 20 нафар одам воқеа жойида ҳалок бўлди. Бу хунрезликдан ҳеч қанча вақт ўтмай Ҳазоирнинг Деллис шаҳрида, қирғоқ қўриқчилар казармаси яқинида 800 килограмм портлатиш мосламаси ўрнатилган юк машина ҳаракатга келтирилган. Кўпурвчилик 37 нафар одамни ҳаётдан олиб кетган.

Мамлакатнинг қўллаб шаҳарларида ушбу хунрезлик туфайли норозилик намойишларида ҳукуматни бу хунрезликнинг олдини ололмаганликда айблашган.

Кўнғир айикларга қирон келмоқда

АҚШ гарбидаги камайиб бораётган кўнғир айиклар қирилиб кетиши графасида.

Жорий ва ўтган йилда мамлакатнинг ушбу ҳудудларида қишининг илик келиши ва баҳор ўйларининг қурғоқчилик билан ўтгани бу турдаги айиклар турмуш тарзида туб бурилиш ясаб юборди. Айиклар қиш мавсумида уйқуга кетолмай қўплари қирилиб кетди. Тирик қолганлари эса ўрмон яқинидаги шаҳарчаларга озиқ-овқат қидириб ҳужум қилаяпти.

Утган йили 502 та кўнғир айиги одамлар қўлидан ўлим топган бўлса, бу йилгиси 877 тага етган. АҚШ атроф-муҳити мухофазаси халқий ташкилотларининг бу жониворларни асраб қолиш қаракатлари бейфойда кетмоқда.

Италиянинг Модена шаҳрида дунёнинг та-ниқли опера қўшиқчиси-тенор Лучано Паваротти билан видолашув маросими бўлиб ўтмоқда.

Маэстро билан видолашув

6 сентябрь куни икки буйрагининг фаолиятдан тўхташи оқибатида оламдан ўтган маэстро билан видолашув

Қозоғистон ҳукумати Бойкўнғир космодромда Россиянинг "Протон" русумидаги барча юк ташувчи ракеталари парвозига вақтинча чек қўймоқда.

Вақтинча ман этилади

Бунга 6 сентябрь куни фа-зога Япониянинг телекоммуникацион суный йўлдошини олиб чиқаватган "Протон-М" ракетасининг ҳалокатга учрагани сабаб бўлмоқда. Воқеа жойини ўрганиб чиққан мутахассислар ракета қолдиқлари қулган ҳудудларда кўп миқдорда инсон саломатлиги учун ўта хавфли бўлган гептил концентратни мавжудлигини маълум қилишмоқда.

Гептил ракета ёқилғисида мавжуд бўлиб, инсон марказий асаб тизимини фаалақ қилиши ва яғирани ишдан чиқариши мумкин. У ерга тўқилганда анча вақтгача атроф-муҳитга хавф солиб туради.

Ҳажон матбуоти хабарлари асосида Ш.САНАЕВ тайёрлади.

СПОРТ

Олимпиячиларга умид сўнди...ми?

Футбол

Вадим Абрамов бошчилигидаги Ўзбекистон олимпия терма жамоаси "Пекин-2008" доирасидаги саралаш ўйинларининг иккинчи баҳсини ўтказишди. Самарқанд шаҳрида ўтган ўйинда суриялик олимпиячилар вакилларимизга қарши тўп суришди.

Гуруҳнинг дастлабки ўйинида Жанубий Кореяга ютказилган. Олимпияда ўйинларига чиқиш учун юртдошларимиз фақат галаба қозониб, ўз имкониятларини яхшилаб олишлари мумкин эди. Бироқ жамоамиз мазкур йилдаги энг суст ўйинларидан бирини "кўз-кўз" қилди. Дастлабки ва сўнгги дақиқаларни инobatта олмасак, олимпиячиларимиз майдонда фақатгина "пиеда" юришди. Хар замонда рақиб дарвозаси томон берилган зарбалар ҳеч нимани ағлатмасди. Баҳсда энг қулай вазиятга эга бўлган Шавкат Саломов 10 метрлар чамасидан тўпни дарвозага йўллай олмади. Ваҳоланки, ўнг қанотдан узатилган тўпни "Курувчи" ўйинчиси бемалол голга айлантиса бўларди. Шу ўринда Одил Аҳмедов, Музаффар Умрзоков ва Шаҳбоз Эркинов томонидан қулай вазиятлар йўқ қилинганни таъкидлаш лозим. Суриялик футболчиларда ҳам қатор голли вазиятлар бўлди, бироқ Азиз Ашуров дарвозасини дахлсиз сақлай олди. Нурсиз дуранг, яъни 0:0 ҳисоби Энди вакилларимиз Баҳрайн жамоасини Тошкентда қабул қилади. 2-турда араблар ўз майдонда корейлик футболчиларга кичик 0:1 ҳисобида ютказиб қўйишди. Гуруҳда олти очко жамғарган Жанубий Корея яқна пешқадам бўлиб турибди.




Ўзбекистон миллий футбол жамоаси аъзолари. Сўнги раунднинг ўйинида суриялик олимпиячиларга қарши тўп суришди.

...Одатда сурункали касалликлар кўпгина тунда хуруж қилади. Чунки инсон кун давомида турли юмуш-ташвишлар билан юрганида асаб товлари тарағ ҳолда бўлади. Оқшом тушиб, асаби бўшаганда эса вужуддаги хасталик амаллатари юзага чиқади. Баъзан касаллик инсон ҳаётига жиддий хавф тугдиради. Заңгиота тумани Иттифок

кўрсатаётганлиги шифокорлар ва аҳолига катта қулайлик тугдирмоқда. Умумий амалиёт шифокорларига шарт-шароитлар яратиб билан бирга физioterapia, стоматология, эмлаш, гинекология, клиник лаборатория, ўқалаш, муолажа хоналари зарур анжомлар билан жиҳозланган. — Кишлоқдаги тиббиёт шохобчалари шаҳардагидан қолишмайдиغان даражада етмоқда, — дейди Иттифок ҚВП

тишни бугунги кун талаблари даражасига етказишга эътибор қўйилган. Аҳолига қулайлик яратиб мақсадида Хонобод, Назарбек, Ботир, Уртовул, жами тўққиз жойда туман маркази шифохонаси тизимига кирувчи тез тиббий ёрдам бўлимининг шохобчалари очилган. Ушбу бўлимининг беморлар ётиб даволанадиган қисми кенгайтирилиб, ўринлар сони 30 тага етказилди. Кейинги пайтда кишлоқ



737 миллион сўмдан ортқ маблагга замонавий тиббий жиҳозлар ва асбоб-ускуналар билан таъминланди. 64 та кишлоқ врачлик пунктлари эса Ўзбекистон ҳукумати томонидан "Жайка" гранти асосида жиҳозланиши режалаштирилган.

Соғлом инсон — табиатнинг бебаҳо асаридир

кишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудда яшовчи Музаффар Зияев қон босими ошганлиги боис шундай ҳолатга тушиб қолганди. Иттифок кишлоқ врачлик пункти қошида тез тиббий ёрдам шохобчаси очилганлиги, ўнинг тасарруфидан зарур воситалар билан жиҳозланган "Дамас" автомашинаси мавжудлиги жуда қўл келди. Беморга зудлик билан би-

мудир Ақида Аҳоррўжаева. — Муассасамиз ёнида тез тиббий ёрдам шохобчаси жойлашганлиги, у транспорт воситалари билан таъминланганлиги қулайликлардан бири. Бу ерда яқинда хомийлар томонидан "Дамас" олиб берилганлиги нур устига аъло нур бўлди. 10 ўринли кундузги шифохона ташкил этилганлиги айни муддао бўлди. Кейинги

врачлик пунктларида кенг қўламли таъмирлаш ва замонавий ускуналар билан жиҳозлаш ишлари амалга оширилмоқда. Хусусан, Хонобод, Фахрия, Навоий ҚВЛлари янгидан қурилди. Ўзбекистон кишлоқ врачлик пункти эса ҳозирги кунда таъмирланаяпти.

Тиббиёт истиқболи

Президентимиз Фармонлари, ҳукуматимиз қарорлари асосан тиббиёт муассасаларининг моддий-техника негизи тобора мустаҳкамланмоқда, — дейди Заңгиота тумани маркази шифохонаси бош шифокори Х.Эргашева. — Бу борада вилоят ва туман ҳокимликлари янгидан ёрдам беришяпти. Масалан, собиқ "Эркин" ширкат ҳўжалигининг маъмурий биноси балансимизга ўтказилиб, силга қарши кураш бўлими иштироғига берилди. Иморат шифохона талабига жавоб бериши учун 90 миллион сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди. "Ихтисосий химоя йили" давлат Дастури ижроси борасида қўпгина тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу жумладан, эндокрин, онкологик, сил ва бошқа касалликлар билан хасталанганларни ижтимоий химоя қилиш учун 400 беморга 5,5 миллион сўмлик дори-дармон бепул берилди.

рени ишга солишлари билан бирга беморларга самийий муносабатда бўлишга, ғамхўрлик қўрсатишга даъват этилганлар. Соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш борасида бошқа туманларда ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Вилоятнинг қарийб 2,5 миллион аҳолисига 91 та шифохона, 357 та бирламчи амбулатория-поликлиника муассасалари орқали тиббий хизмат қўрсатишмоқда.

Шаҳар ва туман марказий шифохоналари қошида шошилинч тиббий ёрдам бўлимлари ташкил этилган бўлиб, улардаги ўринлар сони 550 тага етказилди. Ушбу тизимга "03" — тез тиббий ёрдам хизмати ҳам киритилган. 2007 йилнинг дастлабки олти ойида шошилинч тиббий ёрдам бўлимларида 30 мингдан зиёд беморга малакали стационар ёрдами қўрсатилди. Тез тиббий ёрдам шохобчаларида амбулатор ёрдам қўрсатилганлар эса 383,4 мингдан ортди.

Кишлоқдаги тиббий хизматнинг бирламчи бўлими ҳисобланган ҚВЛлари сони 243 тага етказилди, — дейди вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Нурмат Атабеков. — Уларнинг 60 таси янгидан барпо этилди. 183 таси эса қайта қуриш ҳисобига талаб даражасига етказилди. Айни шу ишлар учун 1999-2006 йилларда деярли 4 миллиард сўм маблаг сарфланди.

Ўзбекистон ҳукумати билан Жаҳон банкининг Халқаро тараққиёт уюшмаси ва Осие Тараққиёт банки ўртасидаги битимларга мувофиқ "Саломатлик-2", "Оналар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш" лойиҳалари амалга оширилмоқда. Шунга қўра, 181 та ҚВП

Давлат дастурига биноан соғлиқни сақлаш соҳасини молиялаштириш тизими тақомиллаштирилмоқда. Республикаимизнинг Сирдарё, Фарғона ва Навоий вилоятларида татбиқ қилинган аҳоли жон бошига нисбатан соғлиқни сақлаш муассасаларини бюджетдан молиялаштириш механизми 2007 йилдан вилоят тизимида ҳам бошқичма-бошқич амалга оширилмоқда.

Шифохоналар, профилактика-санаторийлар ва бошқа даволаш масканларида бўлган тиббий ёрдам бўлимлари ташкил этилган бўлиб, улардаги ўринлар сони 550 тага етказилди. Ушбу тизимга "03" — тез тиббий ёрдам хизмати ҳам киритилган. 2007 йилнинг дастлабки олти ойида шошилинч тиббий ёрдам бўлимларида 30 мингдан зиёд беморга малакали стационар ёрдами қўрсатилди. Тез тиббий ёрдам шохобчаларида амбулатор ёрдам қўрсатилганлар эса 383,4 мингдан ортди.

Ўзбекистон ҳукумати билан Жаҳон банкининг Халқаро тараққиёт уюшмаси ва Осие Тараққиёт банки ўртасидаги битимларга мувофиқ "Саломатлик-2", "Оналар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш" лойиҳалари амалга оширилмоқда. Шунга қўра, 181 та ҚВП

Суннат САЙДАЛИЕВ, Раҳимжон ОРПОВ. СУРАТЛАРДА: Заңгиота тумани марказий шифохонаси ва унинг тизимидаги тез тиббий ёрдам хизмати фаолиятдан лавҳалар.

Б.АКРАМОВ олган суратлар. Тошкент вилояти.

"US Open" ғолибларни аниқлади

Теннис

Америка Қўшма Штатларида ўтказилган "Катта дубулга" туркумига кирувчи теннис мусобақаси — "US Open" якунига етди.

Икки ҳафтадан кўпроқ давом этган мазкур йирик турнир теннис ишқибуларида катта таассурот қолдирди. Эркинлар ўртасидаги баҳсларда швейцариялик Роже Федерер яна ғолиб бўлди. Қизғин, Федерер "US Open"да кетма-кет туртинчи бор зафар қўчди. Финалда унга сербиялик Новак Жокевич рақиб бўлди. Уч сет давом этган урашувда 7:6, 7:6, 6:4 ҳисоби қайд этилди. Шундай қилиб, дунёнинг биринчи рахали теннисчиси америкалик Билл Тилден натижасини такрорлади. Билл ўтган асрнинг 20-йилларида ҳаммадан устун эканлигини кўрсатганди.

Аёллар ўртасидаги мусобақаларда белгиялик Жюстин Энен Арден финалда Россия шарафини химоя қилган Светлана Кузнецовани осонликча мағлуб этди. Бир соати 22 дақиқа давом этган баҳсда 6:1 ва 6:3 натижаси билан Арден зафар қўчди, "Катта дубулга" мусобақаларидаги еттинчи галабасини тانتана қилди.

Жуфтликлар ўртасидаги баҳсларда эса Динара Сафина ва Натали Деши барча рақибларини доғда қолдиришиб, бош мукофотни қўлга киритишди.

Жуфтликлар ўртасидаги баҳсларда эса Динара Сафина ва Натали Деши барча рақибларини доғда қолдиришиб, бош мукофотни қўлга киритишди.

Алонсо яна биринчи

"Формула-1"

"Макларен" жамоасининг биринчи ракамли спортчиси Фернандо Алонсо "Формула-1"нинг Италия Гран-при мусобақасида галаба қозонди. Бу галаба Алонсонинг Италия трассаларидаги илк ютуғидир.

У жаҳоннинг икки карра чемпиони саналса-да, Италия трассаларида хали муваффақият қозонмаганди. Финишга иккинчи бўлиб Алонсонинг жамоадoshi етиб келди. Англиялик Льюис Хамилтон Алонсога нисбатан пойдани сал кечроқ бошлагани ва якунда иккинчи ўрин билан қийоғланди.

Мусобақа мезонлар, яъни "Феррари" вакиллари учун омадсиз туғди. Кими Райкконен ва Фелипе Масса етакчиларга қаршилик қўрсатишга ҳаракат қилишди, бироқ пойда давомида бу нарса амалга ошмади. Фелипе Массада қатор қулайликлар бўлди. У, айниқса, Гамилтон билан иккинчи ўрин учун астойдил курашди. Бироқ ушбу мавсумда ўзининг теъор ҳаракатлари орқали муҳлисларга манзур бўлаётган Гамилтон ўз мақсадида эришди. Масса учинчи бўлиб манзилга етиб келди.

У жаҳоннинг икки карра чемпиони саналса-да, Италия трассаларида хали муваффақият қозонмаганди. Финишга иккинчи бўлиб Алонсонинг жамоадoshi етиб келди. Англиялик Льюис Хамилтон Алонсога нисбатан пойдани сал кечроқ бошлагани ва якунда иккинчи ўрин билан қийоғланди.

Мусобақа мезонлар, яъни "Феррари" вакиллари учун омадсиз туғди. Кими Райкконен ва Фелипе Масса етакчиларга қаршилик қўрсатишга ҳаракат қилишди, бироқ пойда давомида бу нарса амалга ошмади. Фелипе Массада қатор қулайликлар бўлди. У, айниқса, Гамилтон билан иккинчи ўрин учун астойдил курашди. Бироқ ушбу мавсумда ўзининг теъор ҳаракатлари орқали муҳлисларга манзур бўлаётган Гамилтон ўз мақсадида эришди. Масса учинчи бўлиб манзилга етиб келди.

Давлат патентларига "AVTOTRAK" эга ЗИЛ..., ГАЗ..., ПАЗ..., КАВЗ автомобилларига тегишли хужжатлар асосида дизеллар ўрнатади

Автомобилларга ўрнатиладиган ҳолатда таъмирланган Д-243 (МТЗ) Д-144 (Т-28) ДИЗЕЛЛАР, Д-243, Д-144, А-01 ("Алтай"), ЮМЗ, "Камминз" (ТТЗ-100), "Авна" дизелларига БЛОК, ВАЛ, АППАРАТЛАР, "ИКАРУС", "МЮРАЛ" ПЛУНЖЕРЛАРИ, РАСПИЛИТЕЛЛАРИ СОТАДИ.

Вилоятлардан электр-газ пайвандловчилар, мотористлар, автослесарилари ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАМИЗ

Манзилмиз: Тошкент ш., Корасув-6, Аэродромная кўчаси, 5-уй. (мўлжал: ТЭА, "Обл. ГАИ") Автобуслар: 21,49, "Обл. ГАИ" Бекати. Телефонлар: 159-48-00, Кечқурун 112-90-43

Республика акциядорлик-тижорат банки "Галлабанк" жамоаси банк ходими Раъно Умаровага падари бузуқворий КАХХОР ОТАНИНГ вафоти муносабати билан чўқур ҳамдардлиқ билдиради.

Кишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирилик марказий аппарати жамоаси Сабзавотчилик-полиэтилени, бозорчиликни ривожлантириш ва кишлоқ ҳўжалиги мақсулотларини қайта ишлаш бошқармаси бошлигининг ўринбосари Зоир Зайтовга акаси Неймат ЗИЁТОВНИНГ вафоти муносабати билан чўқур таъзия изхор этади.

Урмон ҳўжалиги бош бошқармаси ҳузурдаги Қўриқхоналар, миллий табиий боғлар ва овчилик ҳўжалиги бошқармаси жамоаси Кўнгрот давлат ўрмон-ов ҳўжалиги директори Полат Сапаровага уқаси Озод САПАРОВНИНГ вафоти муносабати билан чўқур таъзия изхор этади.

Бокс

Ўтган жума кунини АҚШда икки муҳим жанг бўлиб ўтди. Янги элданлиялик профессионал бокс устаси Давид Туа ринг эгаси, америкалик Серроне Фокс билан рейтинг жангини ўтказди.

Машхурлар ғалаба қозонди

Суперогир вазнда бир қатор чемпионларга қарши бокс тушган Туа рақибига ҳеч қандай имконият қолдирмади. Биринчи раунднинг ўзида икки марта ноқадунга учраган

Фокс қийин аҳволга тушиб қолди. Бундан фойдаланган Туа иккинчи раунднинг кетма-кет учлик зарбалари билан бошлади. Чўқур ноқадунга тушган америкалик боксчи жангни давом эттирмоқда ва рефери техник ғалаба билан Давид Туа галаба қозонганини билдирди.

Яна бир баҳсда ярим ўрта вазнинг собиқ мутлак чемпиони Заб Жуда ҳакамларнинг бир овоздан чиқарган ҳулосаси билан галаба қозонди. Пуэрто-риколик Эдвин Васкеса ўн раундлик учрашувда маҳоратли Жудага қарши ҳеч нима қўллай олмади. Заб Жуда жангдан сўнг яна чемпионлик ҳақида ўйлай бошлаганини журналистларга айтган. Унинг таъкидлашича, кейинги йилнинг 6 ойларида чемпионлик жангини ўтказди.

Суннатилла ИСЛОМОВ

Фокс қийин аҳволга тушиб қолди. Бундан фойдаланган Туа иккинчи раунднинг кетма-кет учлик зарбалари билан бошлади. Чўқур ноқадунга тушган америкалик боксчи жангни давом эттирмоқда ва рефери техник ғалаба билан Давид Туа галаба қозонганини билдирди.

Яна бир баҳсда ярим ўрта вазнинг собиқ мутлак чемпиони Заб Жуда ҳакамларнинг бир овоздан чиқарган ҳулосаси билан галаба қозонди. Пуэрто-риколик Эдвин Васкеса ўн раундлик учрашувда маҳоратли Жудага қарши ҳеч нима қўллай олмади. Заб Жуда жангдан сўнг яна чемпионлик ҳақида ўйлай бошлаганини журналистларга айтган. Унинг таъкидлашича, кейинги йилнинг 6 ойларида чемпионлик жангини ўтказди.

Суннатилла ИСЛОМОВ



ринчи ёрдам қўрсатилди. Музаффар Зияев қон босими ошганлиги боис шундай ҳолатга тушиб қолганди. Иттифок кишлоқ врачлик пункти қошида тез тиббий ёрдам шохобчаси очилганлиги, ўнинг тасарруфидан зарур воситалар билан жиҳозланган "Дамас" автомашинаси мавжудлиги жуда қўл келди. Беморга зудлик билан би-

пайтда бу ерда Хури Тўрақонова, Роза Абдуллаева, Люба Иванова, Мирзааҳмад Миржаолов ва бошқа беморлар даволанишди. Жамоамизда йилгирма нафардан зиёд киши меҳнат қўлаётган бўлса, уларнинг аксарияти олий ва биринчи тоифага мансуб шифокорлар ва ҳамширалардир. Гулнора Мансурова, Жамила Долиева, Дилбар Зайнутдинова, Гузъл Тожибоева, Назира Умарова, Хақима Нуриддинова ва бошқа ходимлар халқимизга сидқидил хизмат қилишмоқда.

Заңгиота туманининг бошқа кишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳудудларида ҳам тиббий хизматни янада яхшилаш чоралари қўрилмоқда. Чунинчи, шошилинч тиббий ёрдам қўрсати-

Илм амалиётта пайваста

Тошкент Давлат аграр университетда "Агроинженерияда таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси" мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

Унда аграр таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси, кишлоқ ҳўжалигини механизациялаштириш борасидаги фан ютуқлари, муаммолар хусусида сўз юритилди.

Анжуманда республикада аграр соҳага кадрлар тайёловчи олий ўқув юрталари ўқитувчи-профессорлари, таълим, фан, кишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқариш бошқарув органлари ҳамда тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари иштирок этишди.

Таъкидландики, бугунги кунда кишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш, ҳосилдорликни ошириш кўп жиҳатдан замонавий техникага боғлиқ. Мазлумки, кишлоқ ҳўжалигини механизациялаштиришда муаммоларни соҳа мутахассислари билан ҳамкорликда ечиш кўпроқ самара беради. Бугунги кунда кишлоқ ҳўжалигининг барча соҳаларида фаолият юритаётган фермер ҳўжаликлари сифатли мақсулот ишлаб чиқаришда замонавий технологияга суянади. Шу сабабли ҳам механизациялаш зарурати тобора

кучаймоқда. Конференцияда бу ҳақда батафсил фикр юритилди. Мавжуд имкониятларни ишга солиш борасида мулоҳазалар тингланди. Тегишли вазифалар белгилан олди.

Анвар БОТИРОВ

Бахт учун гулдаста

Гулчи бир пўрим кийинган йиғини тўхтади, деди: — Манови гулдастани олинг, хотинингиз беҳад хурсанд бўлади! — Афсус, хали уйланганим йўқ! — Унда машуқангизга олинг, қувончи жаҳон бўлганини қўрасиз! — Севгилим ҳам, машуқам ҳам йўқ! — Жуда бахтли экансиз, шунинг учун гулни сизга текинга ҳадая этаман!

Кечирилмас хато

Бир шифокор касбдош дўстига ҳасратидан чанг қичиб афсусланди: — Даволаш амалиётимда катта хатоликка йўл қўйдим. — Йа, беморни нотўғри даволаб, ўлдириб қўйдингми? — Бир бойвачани биринчи келишидаёқ даволаб юборибман, аслида яна бир-икки "гастроль" қилса, тушуми яхши бўлариди, дейман.

Овчи маҳорати

— Овим ўнгдан келди, иккита бўри, иккита айқичи ер тишлатдим, маҳоратимга қойилмасан? — Буни қара, бу иш менинг қўлимдан келмайди. — Отишни, мўлжалга олишни билмайсанми? — Йўқ, ёлғон гапириб, сарфсата сотишни.

Манон НАБИЕВ тайёрлади.

Приглашение к участию в тендере №06-4

ТЕМА ТЕНДЕРА: закупка строительных материалов для Ассоциаций водопользователей РУз Программа поддержки ассоциаций водопользователей (WUASP), финансируемая Агентством международного развития США (USAID) и осуществления международной организацией ООО "HOLIS KONSALT"

приглашает заинтересованные компании принять участие в тендере на поставку строительных материалов для реконструкционных работ, проводимых в ассоциациях водопользователей Пайарикского района Самаркандской области, Жондорского района Бухарской области, Попского района Наманганской области, Зоминского района Джиззакской области

Для участия в тендере заинтересованные компании должны получить тендерную документацию о подробной информации о проводимом тендере и представлять свои предложения согласно тендерной документации, которую можно получить с ПН по ПТ с 9.00 до 17.00 в офисе проекта WUASP по адресу:

Носирова, 4-проезд, 16-ый, Ташкент, 100000. Тел./факс: +998(71) 135-5279; 137-4694. Эл.почта: info@wuaconsult.uz; Сайт: www.wuaconsult.uz

Контактное лицо: Яквалходжаева Нодира, специалист по Закупкам. Тендерные предложения будут приниматься в закрытых конвертах в офисе WUASP по вышеуказанному адресу до 17.00 часов 10 октября 2007 г.

Поздние заявки рассматриваться не будут

Бош муҳаррир Чори ЛАТИПОВ

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

МУАССИСЛАР:

ТЕЛЕФОНЛАР:

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР:

МАНИЛИМИЗ:

ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТ ВА АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ:

ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТ ВА АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ:

ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТ ВА АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ:

ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТ ВА АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ:

ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТ ВА АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ: